

ТОШКЕНТДА ТОПИЛГАН ЯПОН ҚАДАҲИ


ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланган буюмларнинг ўзига хос тарихи бор. Шулар орасида японларнинг бронзадан ясалган қадаҳи диққатга сазовор. Буйи далактирилган ушбу буюмнинг Тошкентда топилган киши кутубхона қурилишида кум остидан олинган бу буюм бир ҳафтадан кейин музейга 200 сўмга ўтказилган. Ўзига хос ноёб қадаҳни XIX асрда ишланган, деб тахмин қилишмоқда.

Махмуд АХМЕДОВ.

ШИЙПОНДА КИЧИК КОРХОНА

БУХОРО. Ғиждувон тумани хотин-қизлар қўмитаси аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатта жалб этишликларини хувилаб қолган дала цехлар барпо этилди. "Зарафшон" зардўзлик цехи очилди. Ф. Хўжаев номли жамоа хўжалигида эса "Мунишга" кичик корхонаси фойдаланишга топширилди.

Даврон БАҲРОНОВ.



КУННОМ

шўхалар поксалар хабарлар

ГУРЛАН ТАДБИРКОРЛАРИ

ХОРАЗМ. Гурлан тадбиркорлик ривожланган туманлардан. 500 дан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Утган йили тадбиркорларнинг ғайрати билан миллион сўмликдан кўпроқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Айниқса, "Мулла Карим" ва "Нақош" каби кичик корхоналар ибрат курсатишяпти. Мухими, бундай кичик корхоналарда аҳолига пулли қизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

ТАННАРХИ АРЗОНЛАШАДИ

ФАРҒОНА. Авваллари Олти-арик туманидаги Беларик каналидан хўжаликларга сув таратишда қийинчиликлар бўларди. Бойси, бу канал нисбатан чуқурроқ жойлашган. Яқинда катта ҳажмда бетон ишлари бажарилиб, тўғон қурилди. Энди 1,5 метр гектарга сув таратиш имконияти яратилди. Мухими, хўжаликларда ҳосил таннархи арзонлашадиган бўлди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймандангур!


ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 9 январь, пайшанба № 4 (22.089).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. А. Тўраев (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 8 январь куни Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гуан Хэнгуанни қабул қилди.

Ислам Каримов Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги муносабатлар муваффақиятли ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этар экан, мамлакатимиз ҳалқида Хитойдек буюк давлатга катта ҳурмат ва эътибор шаклланишини таъкидлади.

Юртбошимиз икки мамлакат ўртасида узаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожланишида ХХРнинг Ўзбекистондаги илк элчиси сифатида жаноб Гуан Хэнгуан катта ҳисса қўшганини таъкидлаб, унинг хорийлик давлатлари-

ҚИШЛОҚДА САВДО МАДАНИЯТИ ЯХШИЛАНДИМИ?

Юртбошимиз қишлоқларимиз турмуш даражасини ошириш йўлида астойдил фойдали кўрсатяпти. Кундан-кунга Ўзбекистон Республикаси Матлубот кооперацияси тизимидаги корхоналар томонидан аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг аҳолини урганиши ташкил этиш тўғрисидаги фармойиш бунга яққол мисолдир. Бу ҳужжат «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарор буйича янги амалий қадам, деб уйлаймиз!

Савдо—аҳоли турмушининг қон томири. Ҳаётимизни бир кун ҳам уйсиз тасаввур этолмаймиз. Қишлоқ борган киши уларнинг: «Қани энди бизнинг жойларимизда ҳам савдо маданияти шаҳар миқёсига чиқса!» деб орозу қилишганининг гувоҳи бўламиз. Негакки, халқимизда аввало куз туйсин, деган нақл бор. Қишлоқ бозори тухин-сочин бўлса, юртбошимиз айтганидек, кунда, ҳар кун савдода бир янглик пайдо бўлиб турса, маҳсулотлар чиройли урғилиб, куз-ни яншатса, бунга не етсин! Орзумимиз—ҳар бир вилоят маркази худди Тошкентдагидек андозада савдо маданиятига эришса.

Бизнинг шарҳ

Негакки, савдода супермаркетлар шаҳар ҳаётига тобора кенг сингиб борапти. Қишлоқ жойларида эса кўпгина маҳсулотлар очик жойда, иссиқда сотилимоқда, сифати бузилмоқда. Талаб ва тақлим чўқур урганилмайпти. Нега бундай деб сурасангиз, гап айланган шариатчи, моддий-техника базасига келиб тақдирди. Матлубот кооперацияси тизимидаги корхоналар раҳбарлари қишлоқ ҳаётини чўқур билмайдилар, деб бўлмайди албатта. Аммо ўзибўларчилик, ҳамон боқимандалик, удда-буронликнинг етишмаслиги ва бошқа нуқсонлар борлигидан куз юмолмаймиз. Агар ота-боболаримиз савдогар ўтганиниги бир зум ҳаёлимизга келтирсак, ҳозирги савдо ташкилотларининг анча-мунча ходимлари бозор иқтисодиётига тез киришиб кетолмаёт-хоналар раҳбарлари қишлоқ ҳаётини чўқур билмайдилар, деб бўлмайди албатта. Аммо ўзибўларчилик, ҳамон боқимандалик, удда-буронликнинг етишмаслиги ва бошқа нуқсонлар борлигидан куз юмолмаймиз. Агар ота-боболаримиз савдогар ўтганиниги бир зум ҳаёлимизга келтирсак, ҳозирги савдо ташкилотларининг анча-мунча ходимлари бозор иқтисодиётига тез киришиб кетолмаёт-хоналар раҳбарлари қишлоқ ҳаётини чўқур билмайдилар, деб бўлмайди албатта. Аммо ўзибўларчилик, ҳамон боқимандалик, удда-буронликнинг етишмаслиги ва бошқа нуқсонлар борлигидан куз юмолмаймиз. Агар ота-боболаримиз савдогар ўтганиниги бир зум ҳаёлимизга келтирсак, ҳозирги савдо ташкилотларининг анча-мунча ходимлари бозор иқтисодиётига тез киришиб кетолмаёт-

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЧЕХИЯГА ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Чехия Республикаси Президенти Вацлав Гавелнинг таклифига биноан шу йилнинг 14-16 январь кунлари расмий ташриф билан Чехия Республикасида бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СЛОВАКИЯГА ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Словакия Республикаси Президенти Михал Ковачинг таклифига биноан шу йилнинг 16-17 январь кунлари расмий ташриф билан Словакия Республикасида бўлади.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

БАҢГЛАДЕШ шимолида вужудга келган совуқ об-ҳаво маҳаллий аҳолига катта ташвиш туғдиришмоқда. Жорий йил бошдан бунён бу ерда элик нафардан зиёд киши совуқ натижасида ҳаётдан кўз юмди.

Совуқ об-ҳаво тўғрисида уларга электр энергияси ва сув узатиш тўхтаб қолган. Дуконлар ва бозорлар ишламаяпти. Қуюқ туман кўчаларда техника қатнови, шунингдек, самолёт ва поездлар ҳаракатини қийинлаштиришмоқда.

ЯПОНИЯ Бош вазири Рютаро Хасимото Бруней, Малайзия, Индонезия, Вьетнам ва Сингапур мамлакатларига сафар қилмоқда. Япония билан Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН) ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқаларни янада мустақамлаш ушбу сафардан кўхта тутилган асосий мақсадлар.

Утган йили эса Р. Хасимото ушбу мақсадда Таиланд ва Филиппинга ташриф буюрган эди.

Бош вазир сафар олдидан журналистлар билан учрашувда Япония ва АСЕАН халқаро саҳнадаги ўз аҳамиятини тўла англаган ҳолда янги асрга қадам қўётганини айтди.

АҚШ ҳукумати Россия Федерациясининг Кипр Республикасига «С-300» русумидаги зенит ракеталари етказиб бериш тўғрисидаги қарорини салбий баҳоламоқда.

Маълумки, яқинда Россия билан Кипр ўртасида ушбу хусусда шартнома имзоланган эди.

АҚШ давлат департаменти вакили Николас Бернс баёнот бериб, АҚШ ҳукумати ушбу шартнома Кипр оролида мустақам тинчлик ўрнатиб йўлидаги ҳаракатларга салбий таъсир кўрсатади, деган фикрда эканини айтди.

«РИСЛИНГ», «ГУЛКАНДОЗ»... САМАРҚАНД. Тойлоқ тумани соҳибкорлари

Утган йили 30 минг тоннадан зиёд узум етиштирилди. «Савдо ташкилотларига 350 минг деколитр шароб етказиб берамиз. Бу 27 миллион 506 минг сўмлик маҳсулот демекки, — дейди «Боғизогон» шароб ишлаб чиқариш жамияти бошқаруви раиси Ботир Козимов, — маҳсулотнинг сифатига алоҳида эътибор қилинмоқда. Харидорларга «Рислинг», «Ркацетели», «Гулкандоз» шароблари ва турли хил коньяклар етказиб беряпмиз».

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

Янги усул сири нимада?

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ҲАМ ПЛЁНКА ОСТИДА ЧИГТ ЭКИЛАДИ

Ўзбекистоннинг энг шимолида пахта етиштираётган Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари Андижон усулида плёнка остида чигит экишга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи уринбосари Ж. Кўчқоров раҳбарлигида бир гуруҳ туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари Андижон вилоятининг Андижон, Избоскан, Олтинкул туманлари хўжаликларига, Андижон қишлоқ хўжалиги институтида бўлиб, плёнка остида экилган чигитлардан мўл ҳосил етиштирилганини, тола сифатининг яхшилигини, пахтачиликда янги технологияларни урганиб, илгор тажрибалар билан урқоқлашиб келдилар...

Андижон усули буйича Эллиққалъа туманидаги «Москва» жамоа хўжалигида бўлиб ўтган семинар-кенгашида унинг қатнашчилари маърузалардан кейин хўжалик далаларида бориб, плёнка остида чигит экиш сирлари ҳақида маслаҳатлашиб олдилар. Эллиққалъада бу йил 2 минг гектарга, шунингдек, Турткул, Беруний, Амударё, Хужайли, Чимбой ва бошқа туманларнинг хўжаликларига ҳаммаси бўлиб 6 минг гектар майдонга плёнка остида чигит экилади. Янги усул ишчи кучи ниҳоятда кам бўлган хўжаликлар учун айниқса фойдали!

Рейнбой ЕШИМБЕТОВ.

ҒАФЛАТДАГИ «ОЗ»

Душанба куни кечга яқин ишлаб утирсам, телефон жиринглаб қолди. Кутарсам, қўшнилар қизчамнинг иссини кутарилиб кетганини, тез уйга келмасам бўлмастлигини айтишди.

Борғунимча қўшнилар ёрдамида қизини бола-лар шифохонасига олиб боришибди. Вақтида қилинган муолажа, курсатилган tibбий ёрдам ўз натижасини берибди. Қизчам чехраси очилиб уйнаб утирган экан.

Бола, бола-да. Кўп ўтмай узини уринтириб қуйди чоғи, кенга бориб яна иссини кутарилиб кетди. Уйда телефон йўқ. Қўшниларнига югурдик. Барака топқурлар, кеч бўлишига қарамасдан телефон қилишимизга руҳсат беришди. Ана шундан кейин ҳақиқий ҳангома бошланди. Биз «ОЗ»ни теридан чарчамадик, у ердаги жаноблар (балки хонимлардир. Бизга қоронғу) кутармасликдан. Мен қизимнинг олдида утирсам рафиқам, рафиқам қизимга қараса мен телефонга югурамиз. Телефоннинг «дўт-дўт»идан ҳам биз керакли жойга тушаётганимиз, у ерда «жирин-жирин» бўлаётгани маълум. Ҳар ҳолда биз биринчи марта бу беминнат дастурдан фойдаланайтганимиз йўқ. Телефон ишлаётганини ёки ишламаётганини жуда яхши тушунамиз.

Бизнинг «олиб-югуришимизга қараб раҳми келди,

Долзарб мавзуда суҳбат

МАҚСАД – ВАЛЮТА БОЗОРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 1 январдан бошлаб чет эл валютасининг сўмга нисбатан расмий курсини белгилаш тартибини ўзгартирди. Маълумки, илгари сўмнинг АҚШ доллариغا нисбатан расмий курсини Валюта биржаси фиксини курсига боғлаган шаклда белгилар эди. Бу тартиб бекор қилинди. Ҳўш, бундан бунён қандай курс қай тарзда белгиланади, конвертация жараёни қандай амалга оширилади? Бу саволлар кўпчиликини қўзғитиради. Шу муносабат билан биз янгиликни шарҳлаб беришни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси ўринбосари Жамшид КўЧҚОРОВдан илтимос қилдик.

— 1997 йилда биз валюта бозорини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичига қадам қўйдик. Белгиланган тадбирлардан банклардан асосий мақсад — валюта бозорини ва унинг қатнашчилари таркибини янада кенгайтиришдан иборатдир.

Утган 1996 йилда республикамизда мустақам иқтисодий барқарорликка эришилди. Утказилган кучли пул-кредит сиёсати тўғрисида пул массасининг ўсиш суръати кескин қисқарди. Республика валюта биржаси савдолари ҳажми йил сайин кўпайиб борапти. 1995 йилда валюта биржасида 1,3 миллиард АҚШ доллари сотилган бўлса (бу 1994 йилдагидан 14 марта кўп!), утган йилда 3,3 миллиард АҚШ доллари сотилди. Шуниси диққатга сазоворки, биржадаги савдо асосан республиканинг ўзидаги валюта тушумлари ҳисобидан таъминланмоқда.

Янги тартибга кўра, республика валюта бозори иккита таркибий қисмдан иборат бўларкан. Шу хусусда кенгрок маълумот берсангиз?

— Ҳа, бундан бунён республика валюта бозори иккита таркибий қисмдан иборат бўлади: Марказий банкда тадбирлардан банкларро валюта биржаси билан бир қаторда биржадан ташқаридаги валюта бозори фаолият юрита бошлайди.

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси марказлаштирилган валюта захиралари ҳисобидан республикамизга замонавий технологиялар етказиб бераётган, қўшма лоийҳаларни амалга ошираётган фирмаларга, шунингдек, давлат кафолати остида ва ҳужжат қарори билан амалга оширилаётган инвестиция лоийҳаларига конвертацияни амалга оширади.

Биржадан ташқаридаги валюта бозори эса, асосан, чет элдан олиб келинаётган истеъмол молларини сотишдан тушган сўмдаги тушумларни эркин муомаладаги валютага алмаштириб беради. Биржадан ташқаридаги валюта бозори деганда биз чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли банкларнинг узаро валюта олди-сотдосини ҳамда валюта алмаштириш шубҳачаларидидаги операцияларини тушунишимиз лозим.

Республикамиз ҳукумати ва Марказий банки биржадан ташқаридаги валюта бозори базасини кенгайтириш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга оширди. Жумладан, корхона ва ташкилотлар экспортдан тушган валютани тушумларини 30 фоизини мажбурий равишда Марказий банкка сотар эдилар. Эндиликда бу маблағлар туғридан-туғри ваколатли банкларга сотилади ва улар бу валюталардан бевосита конвертация мақсадларида фойдаланадилар.

Валюта бозорининг иккита таркибий қисми бўлишини, табиийки сўминг чет эл валютасига нисбатан икки хил курсини юзага келтиради. Бу эса турли сунистеъмолликлар ва чайқовчиликни авж олдирайдими?

— Биржадан ташқаридаги бозорнинг йўлга қўйилиши, қонуний равишда, бошқа давлатларда бўлгани сингари расмий курс ва биржадан ташқаридаги валюта бозори курсининг мавжуд бўлишини таъқоз этиди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта бозоридидаги операциялар ҳажмини ва алмашинув шубҳачаларидидаги нақд валютанинг сотиш ва харид қилиш курсларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг расмий курсини ҳафтада бир марта белгилаб боради. Расмий курсни белгилаш чоғида Марказий банк эмиссия даражаси, пул массасининг ўсиши ва инфляция суръатларини ҳам ҳисобга олади. Расмий курс бухгалтерия ҳисоб-китоби, солиқ солиш, шунингдек, боҳжона ва бошқа шунга ўхшаш мажбурий туловлар учун хизмат қилади. Маълумки, 1996 йилда расмий курс ҳафтада икки марта белгиланган эди. Бу эса ўз навбатида хорийий валюта билан боғлиқ ҳисоб-китоб ишларида бирмунча қийинчиликлар туғдирар эди. Биржадан ташқаридаги валюта бозори курси эса, табиийки, талаб ва тақлим асосида шаклланиб ҳамда расмий курсдан жуда катта фарқ қилмайди.

Валюта бозоридидаги турли сунистеъмолчиликлар ва чайқовчилик масаласига келсак, буларга қарши курашининг таъсирчан механизми ишлаб чиқилган, қолаверса қонунларимиз кучи бунга йўл қўймайди.

Марказий банкнинг ҳисоб-китобларига кура, 1997 йилда сунистеъмолчилик суръати 1996 йилдагига нисбатан икки баробар кенгайишга эришилди. Амалга оширилаётган ушбу тадбирлар шубҳасиз, Ўзбекистон валюта бозори базасининг кенгайишига, шунингдек, сўминг харид қобилиятини оширишга ва унинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Суҳбатдош: Норбобо ШАКАРОВ, Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Кўнғироқ

қилишди. Агар шу муддатда юраги ҳаста бир инсон кўнғироқ қилганида нима бўларди?..

Ҳўллас, сиз нима деб уйлайсиз, азиз муштарий! Бу масалада ким айбдор? Учовлашиб кўнғироқ қилишни эплотмаган бизми ёки «Хов, мени кутарсанглар-чи. Бир бечора «ОЗ» ни теравериб қон бўлиб кетди-ку!» деб айтолма-деган икки калима сўзларига бир соат интиқ

Алқисса, мен шифокорлардан миннатдорман. Қизчамга курсатган ёрдамлари учун қўлим куксимда таъзим қиламан. Леқин...

«ОЗ»дагилар ҳақида нима дейишим мумкин? Бор-йўғи гушакни кутариб, «Ҳа, «ОЗ» эшитадими, деган икки калима сўзларига бир соат интиқ

Ислам ҲАМРО.

I. Биргина «йилдан йилнинг эмас, ҳатто кундан куннинг ҳам фарқи бор», дейди кексалар. Айниқса яйдок чўлда, сунгсиз саҳрода табиат ниҳоятда узғарувчан бўлади. Баҳор ва кўз ойлариди узғарувчанлик янада ортади. Бир қарайсиз кўкда куёв, бир қарайсиз булутда кўз ёш. Утган йил кеч кўзнинг охири, ҳазонрезгилик пайти эмасми, кутилмаганда ҳаво узғариб, борлиқни қоронғулик қоплади. Орадан ҳеч вақт утмай ёмғир томчилаб, аста-секин зурая бошлади. Кечга яқин эса ёмғир қорға айланди. Дастлаб учқунлаб ёғаётган қор, қоронғулик тушгач пага-пага лайлак қорға айланди. Зум утмай борлиқни, пасту баланд тепаликларни оқлик чулғади. Айниқса, қора тоғ олди кўм кўчди йўлини айтмайсизми? Йўл келди, чул қайда биллиб бўлмасди. Бу пайтда фақат шофёрнинг сезгирлиги ва тадбиркорлиги тасодифдан, кутилмаган ҳодисадан сақлаши мумкин. Шу боис атиги 2-3 соатлик йўлда бу гал раис тушган машина тўрт соатдан зиёд юрди. Улар «Юлдузкудук»қа етиб келишганида чўпон уйлари, утовларида чироклар аллақачон ўчган, чорвадорлар дам олишаётган эди. Раис келганини фақат Туроб чўпон сезди холос. Чунки сезгирлик, зийраклик унга ота мерос.

Раиснинг «УАЗ»ини товушдан биладиган Туроб чўпон машина катта қишки кўрага келмаёқ чакмонини елкасига солиб ташқарига чиқди. У чиқиб улгурмасиданоқ «Бурибосар» вовуллаб, бутун овулни қоматта келтирди. Қачонки Ту-

роб чўпон: «Бурибосар қайт!» — дея устма — уст қичқиргач ит ҳовуридан тушиб, гингшиганча кўра томон чопиб кетди.

— Чинакам чўпон кучукда кучинг. Раисни ҳам танимайди, — дея ҳазиловуз гал қотди. Шариф ака машинадан тушаркан.

Кўп утмай чўпон кулбасида чироқ шуьлаланди. Иссиқ кўк чой устида суҳбат қизигандан қизиди. Суҳбат давомида фа-



тетапо қилган, туғилганиданноқ яйлов кўми, ут-улаи билан йўрғаклаган бу Нарзи отадир. Зеро ота ҳаётдан эрта кўз юмса — унинг кўйичовонлик йиллари дахшати уруш алаңларига тўғри келган. У уруш йилларида ҳам кўйичилик фермасига бош-қош бўлиб, фронтга гўшт ва кўй жунидан тикилган иссиқ кийим-кечак жунатган.

Энди бўлса от изини той

навқирон, успири йигитлардек санайди. Худди шу йигитларга хос гўрур, касбга булган ҳавас, иштиёқ бўлса керак тургунлик йилларининг «урра-урра»чилиги уни уз гирдобига тортмади. Уша «Бухороқоракули» машҳур кўй зотларининг наслига қирон келтирган «СЖК», яъни суный қочирин йилларида ҳам Шариф ака бош булган хужалиқда ҳар юз совлиқдан 110-112 тадан кўзи оли-

ли ёшларга устозлик қилиб қоракўлчилик сир-асрорларини ургатди. Бунга мисол қилиб Шойим Шаропов, Гофур Зарипов, Абдулғаппор Ҳалимов каби ферма мудирларини кўрсатиш мумкин. Ана шундай устоз кўрган шоғирларнинг бир ёқадан бош чиқариши, муштни бир ерга уриши туфайли бугун хужалик нафақат Навоий вилоятида, балки республикада танқиди. Хужалиқда жами 23 мингдан ортиқ сөрмахўш қоракўл кўйлари боқилаяпти. Иқтисод, молиявий аҳвол талаб даражасидаки утган йилни «маликчул»лик ҳамма сарф-харажатлардан ташқари қарийб 2 миллион сўмлик соф фойда билан яқунлашди. Фойда борки, хужалик аҳлининг ижтимоий ҳимояси асосий диққат-эътиборда. Қоракўлчилик амалий кўмак тарзида ойллик машҳаридан ташқари ёғ, бугдой, чорва моллари берилаяпти. — Қурилиш, ободончилик ишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

МАЛИКЧЎЛ СЎҚМОҚЛАРИДА

(Очерк)

қат битта мавзу — у ҳам бўлса қиш фаслидан эл чорвасини туқ ва семиз олиб чиқиш ҳамда туёқ сонига шикаст етказмаслик.

— Ноябрьда қор ёғдими, қиш серёвгин келади, — сузида давом этди Шариф ака. — Чунки қишнинг ёгин-сочинли келишини табиий ут-уланларнинг пастидан қуришидан биламан. Қузатдингизми, бу йил шувоқ ҳам, изен ва қаррак ҳам тепасидан эмас, аксинча пастидан қуриб келди. Айниқса саҳро гуллари — саксовул билан юлғун октябрь келмаёқ қуриб, таёқ булиб қолди.

— Отам айтардилар қўй йилида қўй, товуқ йилида товуқ қирилади, — деб. Назаримда сичқон йили ҳам панд берадиган қурилади, — дея оғир хурсиниб гал бошлади Туроб чўпон. — Ахир, узингиз гувоҳсизку, экин-тикинлар йиғиштирилмай туриб ёгингарчилик бошланди.

— Гап фақат йилни айблаш-

да эмас, қунончилик билан сузида давом этди Шариф ака. — Асил чорвадор йилни баҳона қилмайди. Баҳонадан қура кўпроқ имкон излаган маъқул. Ишнинг белига фақат қоракўлчилик балоси — қурғоқчилик теляпти. Шу қурғоқчилик, деб қосамиз таги оқармаяпти. Илгарилари чўпон чакмонига хас-хашак йилнса қўйкузи тўради. Энди бўлса чакмонга хас тугул хазон ҳамилинмаяпти...

II. Маликчул кенгликлари... Бу унқир-чўнқир яйлов йулларидан кимлар ўтмаган дейсиз. Сочни оқаргансимон бошига белгубор оппоқ қор бурканган бу Қоратоғ-чи? Соҳилига яйловлар, қурақутон, отар ва овулар тутташ Тудакучи-чи? Буларни ҳаммасига бир инсон тақдири, бир навқирон йигит умри тенгдош ва сирдошдир. Бу сирдошлик тағ-заминида эса аввало ота касбига ҳурмат ва эъзоз, ётади. Шариф акани

босаяпти. Отадан эрта етим қолсада Шариф ака жусасини отанинг меҳр қони эгаллаб олган. Худди шу боис у ҳам кўйичиликни касб қилди. Ота изидан бориб, маъмурчиликка муносабига ҳисса қўшди. Мана шу ҳиссага ҳам уттиз йилдан ошди. Болалиги «Мехнат роҳат» жамоа хужалигининг Ажванди қишлоғида утган Шариф Нарзиев 1970 йилда Самарқанд қишлоқ хужалиги институтининг зоотехниклик факультетини битириб келди — да у хужалиги кўйичилик фермасига мудирлик қилди. Қарийб 20 йилдики Қизилтепа туманидаги «Маликчул» жамоа хужалиқда директор, энди бўлса раис бўлиб ишляяпти. Қўсалдан ҳисса шуки, 30 йил отар ва отарбошилар ортида тер тукапти.

Умрни аслида оқар дарё, жоловсиз от, тизгинсиз шамолга уҳатишади. Бу чин ҳақиқат. Шариф ака 55 баҳорини қаршилаб қолибдики, ҳамон узини

нарди. Авто ёнигининг ҳар литри 30 тийин, омухта ёнинг ҳар килоси 10-15 тийин булган туқинчилик йилларида ҳам бу қурқатчилик бир хилда тураверди.

Хўш энди-чи? Ҳа, ҳозир ҳам мазкур хужалиқда мол бош сонига зибён етмаган. Аксинча кўпайган. Томди, Учқудук томонларда ҳар юз совлиқдан 65-70тадан кўзи олинган бир пайтда «Маликчул»да бу курсаткич 103-104 тани ташкил этди. Утган йилда ҳам хужалик кўйичивонлари 15 миң бош совлиқнинг ҳар 100 тасидан 103 тадан унум олишиб, 5 миң бош ургочи, зотдор қўзиларни устиришга қолдиришди. Давлат эса 11 миңдан ортиқ сифатли тери топширишди.

III. Устоз ва шоғирд қамолти меҳнат маҳсули ва пировард натижа билан улчанади. Уттиз йиллик меҳнат фаолияти давомида очеркимиз қаҳрамони Шариф Нарзиев ўнлаб сеvim-

КОМИЛ МАЪНАВИЯТ — МУСТАҚИЛЛИК ТАЯНЧИ

Юртбошимиз Бухоро вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида айрим жойларда «ривожланган социализм» даврининг шнорлари ҳамон сақланиб турганлигини ҳақли танқид қилди. Бу маҳаллий давлат органларининг мафқура соҳасида олиб бораётган ишлари етарли даражада эмаслигини кўрсатади.

Хўш, бугунги шнорларимиз қандай бўлиши керак? «Ўзбекистон овози» газетаси жойлардаги мафқура жабҳаси ҳодимларига кўмаклашни мақсадлида ушбу сондан бошлаб намунавий матнларни бериб боришни режалаштирди.

МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ШНОРЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАТНЛАРИ

Маънавиятнинг ойдин йўли аввало узликни англамоқдир.

Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашариёт ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

И. Каримов

Жамият эътиқодсиз яшай олмайди.

Маънавиятнинг англаш узлики қайтиш демакдир.

Инсон эътиқодсиз, имонсиз яшай олмайди.

Амир Темур — бизнинг шаънашавкатимиз, ғурур, ифтихоримиздир.

И. Каримов

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Инсонларнинг қарами диндади, муруввати ақлидади, обрусси ахлоқидидади.

Мўмин кишида ёмонлик билан бахиллик бўлмас.

Имоннинг афзали — сабр ва кенг қалбли бўлишдир.

Тил — миллат кўзгуси.

Яхшиликнинг чечакларин тер!

Ёмонлик тиг урганида ҳам, Сен яхшилик пойига йиқил.

Миллат кишиларнинг тил, худуд, онг, руҳий, маънавий жиҳатларга қўра муштарак булган барқарор бирлигидир.

Ўзбеклар уч миң йиллик тарихга эга.

И. Каримов

Имоннинг афзали — сабр ва кенг қалбли бўлишдир.

Ҳадисдан

Хайру садақани ўз оилангиздан бошланг.

Одамни муқаррам инсон мартабасига кўтариш унинг маънавиятини юксалтириш демакдир.

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади.

И. Каримов

Маънавиятни қайта қуриш жамиятни қайта қуришга нисбатан ҳам оғир кенчадиган, ҳам узок давом этадиган жараёндир.

Маънавият узини таниш, узини узгалар назари билан, узгаларни эса ўз назари билан тафтиш қила билиш демакдир.

Адоват эмас — адолат ёнгади.

Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш керак.

Маънавият — тараққиёт омили.

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қонқардош қилади.

Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдирини билан шакланган. Уни улчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам.


Одамнинг улўғлиги унинг буйи-баста билан улчанмаганидек, миллатнинг улўғворлиги сони-саногини билан белгиламайди.

Ягона улчов — унинг маънавиятидир.

Виктор Гюго

Маънавият — энг аввало мамлакатда инсон кадр-қиммати.

Тўловчи: Қобилбек КАРИМБЕКОВ.



Лиссабон. Соҳил бўйи.

ЎЗА сурати.

ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИДАГИ БРИФИНГ

Ушбу брифингни АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Николас Бэрс ўтказди. Бэрннинг айтишига кўра, АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Сербия Президенти Слободан Милошевичга «Ўта жиддий шаклланган хат» жунатди. Унда айтилишича, Сербия ҳукуматининг бўлиб утган сайловлар натижаларига совуққон муносабати ҳақида шубҳа билдирилади. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Милошевичдан халқро жамоатчиликни Сербия ҳукумати бўлиб утган муниципал сайловларни тан олиши ёки олмаслиги ҳақида хабардор қилиши зарурлигини талаб қилган. Бинобарин, айрим сайлов округларида муҳолифларнинг вакиллари голиб чиқишган. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига ташқи ишлар вазири Милан Милутинович томонидан имзоланган Сербия ҳукуматининг мактуби келиб тушди. Бэрннинг сўзларига қараганда қатор сайлов участкаларида айрим қонунбузарликларга қарамай Сербия ҳукумати сайлов натижаларини тан олган. Ва у халқ иродасини ҳурмат қилишга мажбур эканлиги таъкидланган.

Аломат дунёнинг аломат гаплари

ЎФРИГИНА ЧОЛ

Нью-Жерси. 72 яшарлик Рой Беннет куппакундуз кўни қуроланиб, угриликка тушди. Қария уз уйи ёнидаги қўшни мавзедаги банкка «хужум» қилди. У банкнинг қорувулқонасидан «дори қутчаси»дан 3 боғлам аспирин дорисини умардию, жуфтаникни ростлади. Бизга арзимас бўлиб қўринган бу угриликни Нью-жерсликлар эса «Қария ижтимоий муҳофазага муҳтож экан, ким айбдор?» деб шов-шув қилишди.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА ЯНГИЛИК

Бир гуруҳ француз зоолог олимлари Янги Гвинеянинг тропик ўрмонларини ўрганиш чоғида лабларини чўчқайтириб хуштак чалувчи кенгуруларга дуч келишди. Шу пайтгача хал оламида бундай кенгурулар ҳақида маълумот йўқ эди. Доктор Клод Дюлеттинг фикрича, кенгурулар эволюцион тараққиётнинг бузилиши туфайли хуштак чалишни «ўрганганлар».

УЗУК ЎРНИГА — ШЛЯПА

Янги Гвинеядаги армия қабиласида никоҳ узуги тақимайди. Аммо, тўй кўни кўёга тантанали равишда учи ўткир, қовусе

шаклидаги шляпа кийдиришади. Сочни эса шляпа учиди ташиқдан чиқариб қўйишади. Қаттиқ, жингалак сочлар уч ойдан сўнг бутунлай шляпани қоплаб олади. Шунда уни ечиб қўйишнинг имкони қолмайди. Унинг уйлангани ана шу таҳлиқ барчага маълум бўлади.

ҲОЗИРЧА КРИС ЛОКДАН ЎТАДИГАНИ ЙЎҚ

Гвинеянинг «Рекордлар китоби»да ёзилганча, англиялик Крис Лок 13 километр масофани тўхтамасдан эмақлаб босиб ўтиб, жаҳон рекордини ўрнатган эди.

Крис Локнинг бу рекордини 11 йилдириқ хеч ким такрорлай олмапти.


ҲАРБИЙ БАЗАГА ҲУЖУМ ШРИ-ЛАНКА. Шри-Ланка ҳарбий ҳаво кучлари мамлакат шарқида жойлашган Тамил қуролли гуруҳларининг иккита базасига ҳужум қилди. Натижада «Тамил илама» — озодлик йўлбарслари» гуруҳининг 20 нафар жангчиси ҳалок бўлди. Ҳукумат қўшинларидан эса 5 нафар аскар қўрбон бўлиб, 13 киши оғир тан жароҳати олган. Шунингдек, Шри-Ланканинг шимолий худудиди ҳам Тамил қуролли гуруҳлари билан қаттиқ жанглар бўлиб ўтди.

Мамлакатда 14 йилдан бўён давом этаётган миллий можаролар оқибатида жами 50 миңдан ортиқ киши ҳалок бўлди. Шу йиллар ичида давлат иқтисодиёти ўн миллионлаб АҚШ доллари миқдориди зарар кўрди.

КЕМАЛАР ТЎҚНАШИБ КЕТДИ ПЕКИН. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Хитойнинг жануби-ғарбий худудиди жойлашган Сичуан қишлоғидан оқиб ўтадиган Тонзян дарёсида йўловчи ҳамда юк кемалари тўқнашуви оқибатида 40 киши қўрбон бўлди. Ҳозирча улардан 33 нафарининг жасадни топилади. Ҳалокат тафсилотлари махсус комиссия томонидан ўрганилмоқда.

КИТОБ ЎҚИБ УХЛАБ ҚОЛМАНГ

Ҳиндистоннинг Маҳараштра штати ҳукумати янги қарор қабул қилди. Унга кўра, кутубхоналарнинг ўқиш залида ухлаб қолган китобхонга жарима солинади. Агар китобхон талаба бўлса, ундан жарима ундириш янада адолатли. Чунки, китоб устида ухлаб қолган талабадан ҳеч қачон яхши мутахассис чиқмайди, дейилади қарорда.



Шуни ҳисобга олиб Қўшма Штатлар Сербия ҳокимиятини 17 ноябрда бўлиб утган сайлов натижаларини тан олишга даъват этди, — деди Бэрнс.

МАКТУБДА ПОРТЛАТГИЧ МОДДАЛАР

АҚШ давлат департаменти тадқиқотлар ўтказувчи федерал бюро (ФБР)га бошқа хорижий давлатлар ҳукуматларига почта орқали келаятган мактублар орасидаги портлатгичлар ҳақида эслатиб утиб, узига хос ёрдам бераёттир. Ушбу хатлар Вашингтондаги миллий матбуот уйида топилган эди. Мана шу хатлар худди шу бинода жойлашган «Аль-Ҳайат» араб газетаси манзилга тушган эди. Қўшма Штатларнинг ҳисоблашларича, бу хатларнинг айримлари Мисрдан келган экан. Бэрннинг айтишига кўра, Миср ҳукумати давлат департаменти ва ФБРни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва у билан ҳамкорлик қилишга ваъда берди.

ТЕРРОРИЗМНИ КЕСКИН ҚОРАЛАМОҚДА

Бэрннинг таъкидлашича, Қўшма Штатлар Дамашқ шаҳрида террорчилар томонидан автобус портлатилганлигини кескин қораламоқдалар. Бу портлаш натижасида 9 киши ҳалок бўлганди. Унинг таъкидлашича, ҳозирча Сурия ҳукумати баёнотида айтиб утилганидек, Исроил махсус хизмати вакилларининг қўли борлиги ҳақидаги маълумотлар тасдиқлангани йўқ.

ХАЛҚ БАНКИ ОМОНАТЧИЛАРИ ДИҚКАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки инфляция даражасининг пасайиши, миллий валютамиз — сўмнинг қадрини оғир бориши муносабати билан 1997 йил 1 январдан омонатларнинг фоиз ставкаларини қуйидагича белгиланганлигини маълум қилади:

Талаб қилиб олгунча	Йилига 10 фоиз
Муддатли омонатлар:	
1 йилдан 3 йилгача	Йилига 30 фоиз
3 йилдан 5 йилгача	Йилига 35 фоиз
5 йилдан юқори	Йилига 40 фоиз
болалар омонати	Йилига 40 фоиз
курсатувчига бериладиган	Йилига 10 фоиз
муддатли курсатувчига	Йилига 30 фоиз
ўқувчи	Йилига 15 фоиз
омад	Йилига 10 фоиз
рағбат	ойига 3 фоиз

"ОСИЁ-ВОЛГА"

МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан УАЗ-3962 русумидаги автомобилларни ва УАЗ автомобилларни учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни СОТАДИ.

Қуйидаги манзилга мурожаат этилсин:
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 16^А уй, 221-хона

Телефонлар: 41-58-51, Факс: 41-52-41.

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз
ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон
ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Шухрат ЖАББОРОВ
(бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари),
Аслиддин БОЛИЕВ
(бош муҳаррир
ўринбосари «Осиё
бозори» учун масъул),
Владимир ЧЕБОТИН
(бош муҳаррир
ўринбосари — «Голос
Ўзбекистана»),
Алиқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб —
«Ўзбекистон овози»),
Александр ТЮРИКОВ
(масъул котиб — «Голос
Ўзбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС ЎЗБЕКИСТАНА

МУАССИСА
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ
КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафсура ишлари ва партия
ҳаёти —
33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва
ҳуқуқ —
33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодий —
33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият —
33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар —
33-76-04.
Ахборот ва спорт —
33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт —
33-20-36.
Саноат, қурилиш ва
транспорт бўлими —
33-07-20.
Реклама ва эълонлар —
33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИПОЯТ
МУХБОРАТЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоида — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Ургандда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000.
ТОШКЕНТ.
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ. 32-УЎ.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонаси.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Навбатчи
муҳаррир
Н. ШАКАРОВ,
навбатчи
Н. ЖАЛИЛ.

Рўйхатдан ўттич
тартити №00120

Газета офсет
услубида А-2
форматда 28,931
нускада босилган

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози»
материалларини
кўчириб босиш
фақат таҳририят
рухсати билан
амалга оширилади.

Г — 03

Босишга
топириш вақти — 21.00.
Топирилиши — 20.30

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«РЎЗА ФАЗИЛАТЛАРИ»
ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарийлар!
Куйида муқаддас
Рамазон ойига дахлдор
асарлар муаллифлари-
га оид мисраларнинг
рақамларида яширин-
ган сўзларини топиб,
очкичи ҳал этинг.

1. Хожа Аҳмад Ясса-
вийнинг «Девони ҳикмат»
асаридан:
«Қул ҳуваллоҳ», «Субҳо-
наллоҳ» дин қамчиси,
Рўза, намоз, 20, 2, 24,
12, 16, 15 таҳлил Ҳақ элчи-
си,

Пири муғон толиблари
7, 4, 22 бошчиси,
Кулум тутуб йулга сол-
гил, Анта-л-Ҳодий.

2. Мир Алишер На-
войнинг рўзага оид турт-
лигидан,
Доим тут узунга рўза-
нинг меҳнатини
25, 1, 23 рўжа еткурур
сафо давлатини
Сихрат тиласан қилгил
анинг ниятини
Ким 9, 4, 10, 2, 17, 2
қуйдилар бадан сихрати-
ни.

3. Кайковуснинг «Қобус-
нома» асарининг «Ҳақ та-
оланинг шукргузарлиги
зикрида» бобидан: — «Рў-
зада яхшироқ 1, 26 улду-
ким, ўзинг кечлик таоми-
га 8, 2, 3, 6, 2, 20 этиб
кундуз нонин очларга ва
ожишларга бергайсен».

4. Тоат-ибодат, муъмин-
муслмонлик қўлланмаси
булган қадимий «Чор кит-
об» («Турт китоб»)нинг
«Рўза макруҳоти баъни-
да» бўлимидан:
Овқатнинг тузини ҳар
кимки тортар,
Рўзаси боқийдир ютма-
са 2, 21, 2, 9.

Еш гудакучунким чайна-
гайлар нон,
Бунда уламолар берар
не фармон?
Агар зарурат эрур 9, 2,
18, 6 бўлгуси,
Безарурат бу иш хато
бўлгуси.

Рўза боқий 11, 9, 5, 9 ва
лекин макруҳ,
Нопокликдан бўлма бун-
дай беандух,
Агарда унутиб ёсанг
билмайин,
Ҳар иккови сенга тую-
лар ширин.

Қасд илгизувчи бўлсанг
мабодо,
Гуноҳга ботасан билгил
мутлақо.
Гар ёсанг ҳар неки гизо
бўлмамай,
Сенга лозим гайри қазо
бўлмамай.

Уз хоҳишинг ила шуруъ
айласанг,
Очлигиндан агар 9, 5,
14, 5, 19 айласанг,
Мисли тошу кесак ва те-
мир юз бил,
Бўлмамай буянглиг бош
юғувчи гил.

5. Ўзбекистон Халқ шои-
ри Абдулла Ориповнинг
«Ҳаж дафтари» туркуми-
даги «Қаъбатуллоҳ»
шеърдан:
Шукрона айтурман ўзи-
нгга, 13, 9, 2, 12,
Юз бурдик ҳидоят йули-
га қараб.

Ҳақ деган юртимнинг
бахтини сўраб,
Келдим мадад бергил,
13 Қаъбатуллоҳ,
Энди жавоб сўзлар асо-
сида шаклдаги рақамларни
тааллуқли ҳарфлар билан
алмаштириб ўйлангани ҳал
этинг. Ундан XI асрда та-
сниф этилиб, Шарқда кенг
тарқалган Сайф уз-Зафар
Навбахорийнинг «Қуръони
Карим» оятлари ва Ҳадиси
шарифлари билан баён этил-
ган ахлоқ одобга оид «Дурр
ул-мажалис» («Мажлислар
дурдонаси») асаридagi «Ра-
мазон ойининг фазилатла-
ри» баёни аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон
ОРИПОВ.

Vatanni sevmak iymondandur!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 9 январь, payshanba № 4 (22.089).

Gazeta 1918 йил 21 iyundan chiqqa boshlagan

Ҳабиб САЪДУЛЛА



Ватан, сени севоқ имондан эмиш,
Тупроғинг зарраси бир жондан эмиш.
Инсон камолоти сен билан магар,
Сенинг тароватинг инсондан эмиш.

ВАТАН

(Аскарлар марши)

Ватан, сен жисм аро жонсан,
Кўнгиллар мулки — имонсан,
Ҳаётдан ҳам, имондан ҳам
Муқаддас Ўзбекистонсан.

Фидойи аскаринг бизлар,
Ишонган лашкаринг бизлар,
Ғаним ноғоҳ қадам босса,
Оловли меҳри қалқонсан.

Ватан, аждоқлардан табарруқ мерос,
Сенга Қазъа каби кўйганмиз ихлос.
Эрку оромингни қароғдай асраш
Бизга муддаодир мард авлодга хос.

Ватан, сен жисм аро жонсан,
Кўнгиллар мулки — имонсан,
Ҳаётдан ҳам, имондан ҳам
Муқаддас Ўзбекистонсан.


Фидойи аскаринг бизлар,
Ишонган лашкаринг бизлар,
Томирларда Темур, Бобур
Бўлиб оқувчи пок қонсан.

Ватан, сен жисм аро жонсан,
Кўнгиллар мулки — имонсан.
Ҳаётдан ҳам, имондан ҳам
Муқаддас Ўзбекистонсан.

Фидойи аскаринг бизлар,
Ишонган лашкаринг бизлар,
Ўзинг қудрат, ўзинг журыят,
Ўзинг шавкат, ўзинг шонсан.

БАҒИШЛОВ

Шаъми хуснингизга жон
Парвона бўлиш, жонгинам.
Айланаб парвонадек
Девона бўлиш, жонгинам.
Рози дил этмоқ учун
Ўтга уриб ҳар дам ўзин,
Ишқ аро ўздан тониб
Афсона бўлиш, жонгинам.
Фатҳ этибсиз борлигин,
Ҳатто мажоли қолмамин,
Ажралиб бор-йўтидин
Гирёна бўлиш, жонгинам.
Ошиқ аҳли кўрмагай
Жонини жонондан лазиз,
Пойингизга ястаниб
Остона бўлиш, жонгинам.
Гар фидо бўлса висол
Умидида бир кун келиб,
Арши аълода жойи
Шоҳона бўлиш, жонгинам.



НИГОҲИНИ

Сендан ўзим дилрабо айланай,
Чанми чаросдек қаро, айланай,
Зийнат этиб яратмиш юртима,
Ёр, сени қодир Худо, айланай.

Икки кўзинг нуридан Намангон
Бўлди чоғи пурзиё, айланай
Битта қиё боқининг, жонингдан
Қилди асир, маҳлиё, айланай.

Туроб эдим йўлингда, шул назар.
Айлади бир кимё, айланай.
Тупса агар шу назар гадога
Эттай уни подшо, айланай.

Тунгайми деб тагин бир нигоҳинг
Кўча кезиш муддао айланай.
Бир қарасанг жон сўраб, Ҳабибинг
Эттуси минг жон фидо, айланай.

ЧЕГАРАЧИЛАР ҚЎШИҒИ

Ўзбекистон, сарҳадингда
ботир ўғлонлар турар,
Субҳу шом дарёдек уйғоқ
танги поёбонлар турар.
Сен — Ватансан, мустақилсан,
бедахсан тоабал,
Тарихинг кўриқда-мангу
шавкату шонлар турар.
Шавкату шонингта ворис
хур дилёр фарзандлари
Шонли истиқлол ишига
кўкси қалқонлар турар.
Эй Ватан, тоғил камол,

оламда ўз ўрнингни ол,
Ул буюқ Соҳибқирондан
қолган унвонлар турар.
Сенга юксалмоқ муқаддас,
сенса осийиш мурод,
Тинчлигинг сақлашга қодир
марду майдонлар турар.
Элга истиқлол муқаддас,
Ўзбекистон — сажлагоҳ,
Асрамоққа юрту хурликни
кафил жонлар турар.
Ўзбекистон сарҳадингда
ботир ўғлонлар турар.

ҚУТЛУФ КУНЛАР ТАҚВИМИ

Рамазон кунлари	Январь	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тутаниш	Ифтор вақти
1	10	Жума	6:09	17:13
2	11	Шанба	6:08	17:14
3	12	Якшанба	6:08	17:15
4	13	Душанба	6:07	17:16
5	14	Сешанба	6:07	17:17
6	15	Чоршанба	6:06	17:18
7	16	Пайшанба	6:06	17:19
8	17	Жума	6:05	17:20
9	18	Шанба	6:05	17:21
10	19	Якшанба	6:04	17:22
11	20	Душанба	6:04	17:23
12	21	Сешанба	6:03	17:24
13	22	Чоршанба	6:03	17:25
14	23	Пайшанба	6:02	17:26
15	24	Жума	6:01	17:27
16	25	Шанба	6:01	17:29
17	26	Якшанба	6:00	17:31
18	27	Душанба	5:59	17:32
19	28	Сешанба	5:58	17:33
20	29	Чоршанба	5:58	17:34
21	30	Пайшанба	5:57	17:35
22	31	Жума	5:56	17:36
23	1	Шанба	5:55	17:37
24	2	Якшанба	5:54	17:38
25	3	Душанба	5:53	17:40
26	4	Сешанба	5:52	17:41
27	5	Чоршанба	5:51	17:42
28	6	Пайшанба	5:50	17:43
29	7	Жума	5:48	17:45
30	8	Шанба	5:47	17:47


НИЯТЛАР

ОҒИЗ ЁПИШДА:

Навайту ан асума
савма шахра Рама-
зана минал фаҳри
илал мағриби, холи-
сон лиллахи Таъала.
Аллоҳу ақбар.

ОҒИЗ ОЧИШДА:

Аллоҳумма лака сум-
ту ва бика аманту ва
алайка таваккалту
ва ала ризқиқа аф-
тарту, фағфирли ва
коддамту ва ма ах-
харту бироҳматика
йа араҳмар роҳи-
мин.



Дилқасби!

ИМТИЁЗЛИ
РЕКЛАМА

"Осиё бозори"
мустақил
иқтисодий-реклама
газетаси
маҳаллий товар
ишлаб
чиқарувчиларнинг
реклама ва эълонларини

Бизга куйидаги телефонлар
орқали мурожаат қилинг:
(3712)
33-79-14, 33-47-80.
Факс (3712)
33-54-55

30%

АРЗОН НАРХЛАРДА
ЧОН ЭТАДИ.